# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН ТОВЛАМАЧИЛИК ЖИНОЯТИНИ АНИҚЛАШ ВА ФОШ ЭТИШДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИНГ ТАКТИКАСИ

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТИ*

***БОЗОБОЕВ ҲАМИДЖОН УМИДЖОН ЎҒЛИ***

***АБДУРАСУЛОВ МУҲАММАДАЛИ МУЗАФФАР ЎҒЛИ***

***Аннотация***: *Мақолада муаллиф томонидан тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган далиллардан фойдаланишнинг қонунийлиги устидан самарали прокурор назоратини ташкил этишнинг асосий масалалари, ушбу тадбирларни ўтказиш қонунийлиги мезонлари ва олинган далилларга қонуний тус бериш (легаллаштириш) жараёнлари, батафсил ўрганилади, прокурор назорати асосий йўналишлари, прокурорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари очиб берилади, ҳамда шунинг асосида ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилади.*

***Калит сўзлар.*** *Прокурор, назорат, назорат предмети, қонунийлик, қонунийлик мезонлари, тезкор-қидирув тадбир, ТҚТ ўтказиш асослари, далиллар, далилларни мустаҳкамлаш.*

***Аннотация:*** *В статье автором подробно рассматриваются основные вопросы организации эффективного прокурорского надзора за законностью использования доказательств, полученных в ходе оперативно-розыскных мероприятий, критерии законности проведения подобных мероприятий и процессы легитимации полученных доказательств, раскрываются основные направления прокурорской проверки, права и обязанности прокуроров, а также на этой основе предлагаются соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию*

*правоприменительной практики.*

***Ключевые слова***. *Прокурор, надзор, предмет надзора, законность, критерии законности, оперативно-розыскное мероприятие, основания проведения ОРМ, доказательства, закрепление доказательств.*

***Abstract:*** *In the article the author discusses in detail the main issues of the organization of effective prosecutor's supervision over the legality of the use of evidence obtained during operational search activities, the criteria for the legality of such events and the processes of legitimizing the evidence obtained, the main directions of the prosecutor's inspection, the rights and duties of prosecutors, and on this based on the proposed proposals and recommendations to improve law enforcement practices.*

Ҳаммамизга маълумки малакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ёшларни келгуси авлодга тайёрлаш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилиб келмоқда, аввалам бор, ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, уларни жиноят содир қилишдан қайтариш ҳамда мустақил демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасида бир қадар ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бугун Сизлар билан товламачилик жинояти ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддасида, Товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш учун жавобгарлик белгиланган.

Товламачилик мулкка қарши ғаразли жиноятлардан бири ҳисобланади. Товламачиликнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти унинг

нафақат мулкчиликка, балки мулкчилик манфаатларининг мустақил шакли сифатида намоён бўлувчи бошқа (мажбурият юкловчи, мерос бўлиб ўтувчи, уй-жой каби) мулкий муносабатларга ҳам тажовуз қилишидан иборат.

Товламачилик кўп объектли жиноят ҳисобланади. Чунки унинг содир этилишида нафақат мулкчилик ҳуқуқига, бошқа шахсларнинг ашёвий ҳуқуқларига, балки ҳаётга, соғликқа, шаънга, қадр-қимматга ва бошқаларга зарар етказиш хавфи ҳам мавжуд.

Товламачилик предметлари қуйидагилар:

- мол-мулк;

- мол-мулкка бўлган ҳуқуқ (товламачининг ёки бошқа айбдор деб кўрсатилган шахснинг қарзи борлигини тасдиқловчи тилхат, шартнома ёки бошқа ҳужжат, ёхуд муайян мулкий ҳуқуқлар тов-ламачига ёки у кўрсатган шахсга ўтишига асос бўладиган бошқа ҳужжат);

- мулкий хусусиятга эга ҳаракатлар (ишни бажариш, хизмат-лар таклиф этиш ва товарни паст нархда ёхуд текинга бериш ва бошқалар);

- мулкий манфаатлар бериш (масалан, жабрланувчи учун ол-диндан нохуш бўлган шартномани тузиш ва бошқалар).

Товламачининг талаблари оғзаки, телефон, факс, хат орқали ва бошқа шаклда бўлиши мумкин.

Енди ушбу жиноятни аниқлаш ва фош етишда бизлар қайси тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи навбатда биз ушбу ҳаракатларни амалга ошираётган шахс ҳақида етарли даражада маьлумотларга ега бўлишимиз билан биргаликда унинг шериклар мавжуд ёки мавжуд емаслиги ҳақида ахборт тўплашимиз лозим ва уларнинг қачондан бери биргалиги, бундан олдин бу каби жиноий хатти-ҳаракатлар амалга оширишимиз лозим ҳисобланади.

Товламачилик жиноятини аниқлаш ва уни фош етишда қуйидаги,

- Сўров
- Маьлумотлар тўплаш
- Тезкор кузатув

➢ почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш

➢ телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Товламачилик жинояти юзасидан тезкор тадбирлар асосида тўпланган маьлумотлар юзасидан жиноий қилмиш мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. Товламачилик жиноят иши ҳақидаги масаланинг ечилиши амалга оширилаётган тезкор тадбарлирнинг қай даражада сифатли ва аниқ амалга оширилишига боғлиқ ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда унга ҳам жиноят процессининг кандай тергов ҳаракатларини амалга ошириши кераклиги бўйича хулосага келиш мумкин.

Бугунги кунда содир етилаётган ҳар бир товламачилик ҳолатлари бўйича амалга оширилиши керак бўлган тезкор тадбирларни кеаклигини танлай билиш ва уларни сифатли ҳамда тўлиқ равишда амалга ошириш лозимлиги, шу билан биргаликда инсон ҳуқуқ ва еркинликлари, қонуний манфаатлари таьминлашни унутмаслик лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

**1.**Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.

**2.**Каримов В.Г. Тезкор-қидирув фаолияти асослари.

**3.**Вагин О.А., Исиченко А.П., Шабанов Г.Х. Оперативно-розыскные мероприятия и использование их результатов: учебно-практическое пособие. –М., 2006.

**4.**Васильев А.Н. Предмет криминалистики. –М., 1987.

**5.** Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017

йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи: www.uza.uz.

**6**. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.

**7**. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни. (https://lex.uz).

4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги 405-сон Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №17. – 173-м.